

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма хукуқида

УДК: 33:6.01:331.101(575.1)

МАҲМУДОВ ШЕРАЛИ ХУСАНОВИЧ


**“ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА ИНСОН
КАПИТАЛИНИ ТАКРОР ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА УНДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ”**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Сатторқулов Обидкул Турдиқулович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

Гулистон – 2022



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИНСОН КАПИТАЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИННИГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛӢ ЖИҲАТЛАРИ	14
1.1. Инсон капиталини тадқиқ этишнинг концептуал асослари	14
1.2. Инсон капиталининг моҳияти ва тузилиши ҳақидаги замонавий қарашлар	29
1.3. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида инсон капиталини тадқиқ қилиш борасидаги назарий ёндашувлар	42
Биринчи боб бўйича хulosалар	64
II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ	66
2.1. Инсон капитали ва инновацион ривожланиш ўртасидаги муносабатлар таҳлили	66
2.2. Миллий иқтисодиётда инсон капиталини шакллантиришнинг хусусиятлари	75
2.3. Мехнат фаолиятида инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизми	90
Иккинчи боб бўйича хulosалар	106
III БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН КАПИТАЛИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	108
3.1. Миллий иқтисодиётда инсон капиталидан самарали фойдаланиш муаммолари	108
3.2. Инновацион ривожланишда инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва иқтисодий шароитлари	119
3.3. Инсон капитали сифатини яхшилашга кўмаклашувчи институтлар самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари	127
Учинчи боб бўйича хulosалар	135
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:	139
ИЛОВАЛАР	149

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон капиталининг мазмун-моҳиятига кўра рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра “141 та давлат глобал миллий бойлик таркибида инсон капиталининг улуши сўнгги йигирма йил давомида 55%га ўсган. Инсон капиталининг Иқтисодий ҳамкорлик ва таракқиёт ташкилоти (ИҲТТ)га аъзо бўлган юқори даромадли мамлакатлари миллий бойлигидаги улуши 70%, қуи даромадли мамлакатлари бўйича 41%ни ташкил этади”¹. Инсон капиталининг ҳолати тўғридан-тўғри ахоли турмуш фаровонлиги ва умуман иқтисодий ўсишга таъсир этишига кўра анъанавий омилларга нсбатан фан-таълим, интеллектуал тарққиётнинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бориши кузатилмоқда.

Бугунги кунда глобал ва миллий даражада ижтимоий-иктисодий таракқиётни таъминлашда инсон капиталидан самарали фойдаланишининг ташкилий-иктисодий механизmlарини глобал ўзгаришларга кўра такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Бу борадаги тадқиқотларда ижтимоий-иктисодий ривожланишдаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда “инсон капитали” категориясининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш, инновацион ривожланиш шароитида инсон капиталининг таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки оптималлигини таъминлаган ҳолда инсон капиталини ривожлантиришда хусусий сектор фаолиятини қўллаб-куватлаш механизmlарини такомиллаштириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш шароитида инсон капитали аҳамиятини янада оширишнинг назарий-услубий асосларини такромиллаштириш каби йўналишдаги тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилиши ташкил этилмоқда.

¹ Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6.